

**СУРИШТИРУВ, ТЕРГОВ ВА СУДДАН ЯШИРИНИБ ЮРГАН
ҲАМДА ЖИНОИЙ ЖАЗОДАН БЎЙИН ТОВЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ
ҚИДИРИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА
ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ.**

(Жазони ижро этиш Департаменти мисолида)

Насритдинов Азизхон Анварович

ЎЗР ИИБ Академияси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган ҳамда жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидиришда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг амалий фаолияти таҳлил қилинган. Хусусан, қидирув эълон қилишнинг ҳуқуқий асослари, қидирув ишларини ташкил этиш тартиби, тезкор тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш механизми ҳамда ҳудудий ва идоралараро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Қонун ва Жиноят-процессуал кодекси нормалари асосида қидирув фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ва амалиётдаги муаммолари ёритилган. Амалий таҳлил натижасида қидирув самарадорлигини ошириш, ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ички ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, қидирув эълон қилиш, суриштирув органлари, тергов органлари, суддан яшириниш, жиноий жазодан бўйин товлаш, қидирув ишлари, тезкор тадбирлар, идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқий асослар, амалиёт таҳлили.

КИРИШ

Жиноят содир этган шахснинг суриштирув, тергов ёки суд органларидан яшириниши, шунингдек тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаши жиноят-

процессуал фаолиятнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларда шахсни кидириш, унинг турган жойини аниқлаш ва қонуний тартибда ушлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг амалий фаолиятини таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2023 йил 23 мартдага “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-825-сон Қонун[1] жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, тезкор-кидирув ва процессуал фаолиятни янада аниқ ҳуқуқий механизмлар асосида ташкил этишга қаратилган.

Шунингдек, сўнгги йилларда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини либераллаштириш, инсонпарварлик принципларини кучайтириш ҳамда жазони ижро этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жараёнда Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳуқуқий тизимни замонавий талаблар асосида қайта шакллантиришга хизмат қилмоқда[2].

Мазкур қонуннинг асосий мақсади — жиноий жавобгарликни аниқлаштириш, жазо тайинлаш ва уни ижро этишда адолат ҳамда инсонпарварлик принципларини таъминлашдан иборат.

Ушбу қонунга мувофиқ Жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш борасида жазони ижро этиш муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқ ифодаланиши, ҳамда жазони ижро этишда дифференциал ёндашув кучайтирилганлигини кўришимиз мумкин[3].

Жиноят-ижроия кодексининг 112-моддаси жазони ижро этиш муассасаларида тартиб-интизомни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Унинг тўғри ва қонуний қўлланилиши маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда муассаса режимини таъминлашга

хизмат қилади[4]. Мазкур норма амалиётини такомиллаштириш жазони ижро этиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жойлардаги ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг барчаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган[5].

Олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органларининг қидирув фаолиятида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Хусусан, Жазони ижро этиш Департаменти мисолида оладиган бўлсак, Департамент тезкор бўлинмалари томонидан номаълум томонга кетиб қолган маҳкумларни иссиқ изидан қидириб топиш ва ўз вақтида қўлга олиш мақсадида **барча минтақавий ҳудудларда “Қидирув гуруҳи”** [6]ташкил этилган бўлиб, *қидирув гуруҳларига барча муассасалардан 2 нафардан ходимлар ажратилган*. Қидирув гуруҳлари томонидан **2025 йил** давомида жами **79 нафар** маҳкумлар қўлга олиниб (**78 нафари 2025 йил, 1 нафари ўтган йиллар ҳисобидан**), *барчаси ёпиқ турдаги колонияларга қайтарилди*. Ушбу маҳкумларнинг барчаси *умумжиноят содир этган маҳкумлар* ҳисобланади[7].

2025 йил давомида ҳудудий суд ва тергов органларидан яшириниб юрган (*расмий қидирувдаги*) **141 нафар (50)** - қидирувдаги шахслар қўлга олинган[8].

Жазони ижро этиш Департаментининг қидирув йўналиши бўйича амалга оширилган ишлари ИИВ Академияси профессор ўқитувчилари томонидан таҳлил қилинганда, 2025 йилнинг **12 ойи** давомида **79 нафар (2024й - 103)** маҳкумларни ўзбошимчалик билан **номаълум томонларга кетиб қолиш** ҳолатлари кузатилган. (*эркаклар - 78 нафар ва аёллар – 1 нафар*), **1-МММ (минтақавий мувофиқлаштириш маркази) – 51 нафар (65 %)**, **3-МММ – 16 нафар (20 %)**, **4-МММ – 11 нафар (14 %)**, **5-МММ – 1 нафар (1 %)** ташкил этади. Минтақавий мувофиқлаштириш маркази тасарруфидаги колониялар

мисолида 1-МММ: 42-МК - 7 нафар, 43-МК - 2 нафар, 44-МК - 5 нафар, 46-МК - 7 нафар, 47-МК - 2 нафар, 48-МК - 13 нафар, 49-МК - 3 нафар, 50-МК - 8 нафар, 51-МК - 4 нафар, 3-МММ: 29-МК - 2 нафар, 30-МК - 5 нафар, 37-МК - 3 нафар, 38-МК - 2 нафар, 40-МК - 4 нафар; 4-МММ: 33-МК - 2 нафар, 34-МК - 3 нафар, 35-МК - 3 нафар, 41-МК - 3 нафар; 5-МММ: 36-МК - 1 нафар маҳкумлар ўзбошимчалик билан колония ҳудудини ташилаб кетган[9].

Қидирувда бўлган маҳкумларнинг **78 нафари** (98,7 %) (**22 нафари** 12 соат ичида, **56 нафари** 12 соатдан ошиб, ўтган йиллардан **1 нафар**) қўлга олинган. Ҳозирги кунда **1 нафар** маҳкум қидирувда бўлиб ушлаш чоралари кўрилмоқда.

Қўлга олинган маҳкумларни **28 нафари** (36 фоизи) - **яшаш жойига** яқин бўлган ҳудуддан, **50 нафари** (64 фоизи) бошқа манзиллардан Департамент ва ҳудудий Ички ишлар бўлими тезкор бўлинмалари томонидан ҳамкорликда қўлга олинган.

Манзил колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни қочиб кетиш **сабаблари** ўрганилганда, **29 нафар** оилавий муаммоси бўлганлиги учун, **10 нафар** ота-онаси ва фарзандини кўриш учун, **6 нафар** моддий томонидан қийналганлиги учун, **5 нафар** спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида, **10 нафар** ички тартибга кўникмаганлиги натижасида, **13 нафар** аёллар билан ишқий муносабатга киришганлиги сабабли, **4 нафар** суднинг ҳукмидан норози бўлганлиги учун, **1 нафар** жиноят содир этганлиги аниқланди[10].

Манзил колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни қочиб кетган жойлари ўрганилганда: *Шартнома* объектидан— **47 нафар** (60 %), *Колония* ҳудудидан— **22 нафар** (28 %), *Шифохона* ҳудудидан— **10 нафар** (12 %)ни ташкил қилади.

Ҳозирда жазони ижро этиш Департаменти тасарруфидаги муассасалардан ўтган йиллар давомида қочиб кетиб ҳозирга қадар ушланмай

келаётган маҳкумлар **25 нафар**ни ташкил этади¹. Шулардан **9 нафари** – чет эл фуқароларини ташкил этиб, **4 нафари** – МДХ давлатларида жазо муддатини ўтамоқда (Қирғизистонда 3 нафар, Тожикистонда 1 нафар).

Жиноят содир этиб ўз қилмишага пушаймон бўлмасдан суд ва тергов органлари ҳамда бошқа ҳуқуқ тартибот идораларидан яшириниб қидирувда бўлган жиноятчиларни қидириб топиш ва уларга жазо муқаррар эканлигини аниқлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида самарали ишлар амалга оширилишига қарамасдан, бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда[11].

Шунингдек, манзил колониясида маҳкумларни етарлича назорат қилинмаслиги, улар билан тезкор-профилактик ишлар олиб борилмаслиги оқибатида қидирув эълон қилиш ҳолатлари кўпаймоқда[12].

Олиб борилган таҳлилар шуни кўрсатадики Жазони ижро этиш департаменти тасарруфидаги манзил колонияларидан ўзбошимчалик билан колония ҳудудини ташлаб кетиш ҳолатни олдини олиш борасида қуйидаги профилактик тадбирлар ўтказиш зарур:

– ЖИЭД Тезкор қидирув бошқармаси ҳамда барча Минтақавий ҳудудлардаги тезкор фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимлари томонидан **ҳар ҳафтада** камида **2 тадан шартнома объектлари, колония** ҳудуди ва **шифохоналарда қўққисдан текширувлар ўтказиш;**

– номаълум томонга кетиб қолишнинг салбий оқибатлари тўғрисида **“видео ролик”** тайёрланиб манзил-колониялари ва уларнинг шартнома объектларида барча маҳкумларга **намойиш этиш;**

– манзил колонияларида **“Қочишга мойиллар”** рўйхати **(70 та)** шакллантирилиб, малакали ходимларга бириктириш ва улар билан доимий равишда тезкор профилактик тадбирлар амалга ошириб бориш;

– муқаддам **манзил-колонияларидан** номаълум томонга кетиб қолганлиги учун **ҳозирда ёпиқ** турдаги **колонияларда жазо муддатини**

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД ТҚД берган маълумотномаси

ўтаётган - 355 нафар маҳкумлар билан қочишнинг салбий оқибатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;

– Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 23 март кундаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги №825-сон Қонуннинг мазмун **моҳиятини** маҳкумларга тушунтириб бориш;

– номаълум томонга кетиб қолиб, қўлга олинган маҳкумларнинг ҳаракатлари **бошқа маҳкумлар ўртасида муҳокама қилиб, оқибатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;**

– муассасага этап орқали келтирилган маҳкумларнинг шахсий йиғмажилдларини тўлиқ ўрганиш, қочишга мойил бўлган маҳкумларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, у асосида улар билан доимий равишда тезкор профилактик тадбирларни ўтказиб бориш;

– қочишга мойил бўлган маҳкумларнинг оила аъзолари билан таъсирчан профилактик суҳбатлар ўтказиб бориш;

– манзил-колонияларида барча маҳкумларнинг қуйида кўрсатилган таснифлар бўйича рўйхати шакллантириш ва уларга нисбатан тезкор профилактик тадбирлар доимий равишда ўтказиб бориш (*тарбияси оғир (2 ва ундан ортиқ тартиббузарликлар содир этган), яқин қариндошлари мавжуд бўлмаган ёки улар билан алоқалари узилган, фуқаролар ва маҳкумлар билан ишқий муносабати мавжуд бўлган маҳкумлар, оила аъзолари ёки бошқа шахслар билан ўзаро келишмовчилиги мавжуд маҳкумлар, оиласида муаммоси бўлган маҳкумлар (яқин қариндошларининг касаллиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар), оила аъзолари ёки бошқа яқин алоқаларининг узоқ вақтдан буён учрашувга келмаётган маҳкумлар, оилавий аҳволи оғир ва моддий томондан қийналаётган маҳкумлар, колонияда ўзаро бир-бири билан шахсий адовати мавжуд маҳкумлар, доимий яшаш жойига эга бўлмаган маҳкумлар*).

Муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар томонидан белгиланган ҳудудни ўзбошимчалик билан ташлаб, номаълум томонга кетиб қолишларини олдини олишда профилактика ўз самарасини беради.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир.

Фикримча, манзил колонияларида хизмат олиб бораётган ходимларни билим савиясини ошириш, касбга бўлган муносабатларини ўзгартириш лозимлиги сезилмоқда, жойларда ушбу йўналишдаги ходимлар функционал вазифалари билан шуғулланишлиги, назарий ва амалий билимларини мужассамлаштиришлари учун устоз-шогирт анъаналарига юзаки муносабатда бўлмаслиги, раҳбарларнинг соҳада ишларни жадаллаштириш масаласида масъулиятларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши долзарб вазифа ҳисобланади[13].

Хулоса қилиб айтганда, қидирувда бўлган маҳкумларни қидириб топиш борасида бир қатор камчиликларни бартараф этиш лозимлиги, ушбу йўналишларда ишни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришиш учун Қонунчилигимиз ҳамда тегишли ҳуқуқ тартибот органларимиз билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давр талаби бўлиб қолганлигини тан олишимиз лозим. Раҳбарлар томонидан кунлик талабларни кучайтиришни лозим бўлади[14]. Маҳкум манзил колониясини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишини олдини олиш мақсадида, бу бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликни кучайтириш ва ушбу йўналишда ишларни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу вазифаларни амалга оширишда яқин қариндошлари билан алоқаларни кучайтириш лозимлиги, жойларда ушбу йўналишлар бўйича фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноят содир этилишини олдини олиш катта ижобий натижаларга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёв Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.«Ўзбекистон», 2022. – 42 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й., 4-сон, 26-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й., 12-сон, 123-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-825-сон Қонуни.
4. В.Каримов. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ. Тошкент – 2021, Б. 42.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД ТҚБ Қидирув ишларини ташкил этиш бўлими маълумоти.
6. А.А.Насритдинов-2025 “Jinoyat sababi va uni sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarning nazariy-huquqiy tahlili” <https://scientific-jl.org/index.php/new>.
7. А.А.Nasritdinov-2025 “Одам савдосини олдини олиш чоралари” <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>

8. A.A.Nasritdinov-2025 “Axborot texnologiyalari yordamida noqonuniy giyohvand savdosini fosh etish: huquqiy va texnik jihatlar”
<https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3113>

9. A.A.Nasritdinov-2025 “Ички ишлар органларининг тезкор кидирув бўлинмаларида кидирув ишини ташкил этишнинг таҳлили” (Жазони ижро этиш муассасалари мисолида)
<https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8543180531167231457&btnI=1&hl=ru>

10. A.A.Nasritdinov-2025 “Одам савдосига қарши кураш тенденцияси”
<http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3081/2907>

11. A.A.Nasritdinov-2025 “Darknet va onlayn qora bozorlarni monitoring qilish usullari” <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3013/2845>

12. Исамиддинов С. Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2024. – Т. 3. – С. 6.

13. Исомиддинов С. Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари //Жамият ва инновациялар-Общество и инновации-Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б. – 2024. – С. 185-192.

14. Isomiddinov Sadirdin G'anijonovich The concept of droppin and its prevention Eureka Journal of Humanities and Social Research ISSN 2760-4934 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025
<https://eurekaoa.com/index.php/4/article/view/113/151>